

ШАРТНОМА №20
сиқилган газ етказиб бериш буйича

Мирзаобод.Т.

2022 йил «19» январ

Низом асосида фаолият юритувчи куйида «Таъминотчи» деб юритилувчи раҳбар Собиров.Н номидан «СИРЛИ ОКШОМ ТАРОВАТИ» МЧЖ бир томондан ва иккинчи томондан кейинчалик «Истеъмолчи» деб аталувчи раҳбар Сулдарі Сув номидан Ю.Х. Жалалов куйидагича шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1. «Таъминотчи» маҳсулот етказиб беришнинг бажарилишини буйнига, «Истеъмолчи» эса тўлаш ва муддатни белгилашни амалга оширади:

Маҳсулотн номи	ўлч.бир	Бир йил учун таъминлаш Жами:	Жумладан чорақлар буйича			
			1	2	3	4
Газ балонли автомобиллар учун сиқилган табиий газ	М³	120000	30000	30000	30000	30000

2. Етказиб бериш «Истеъмолчи» газ балонларини «Таъминотчи» нинг автомобилга газ тулдириш компрессор станциялари (АГНКС) дан тўлдириш йўли билан амалга оширилади.
3. Етказиб бериш (таъминот) вақти бўлиб «Истеъмолчи» автомобилни тўлдириш вақти ҳисобланади.

2. ТЎЛОВ 312 000 000

4. Шартноманинг умумий нархи у тузилган вақтда 312 000 000 сўмни ташкил қилади ҳамда шартнома тузилган вақтда 1 куб. Метр сиқилган газнинг нархи 2600 (Икки минг олти юз) сўм ҚҚС билан килиб белгиланди ва хом ашё, маҳсулотлар, ёқилғи-энергетика ресурслари нархи ўзгаришига қараб ва шунингдек, Ўзбекистон Республикаси+

- ҳукуматининг ҳуқуқий ҳужжат ва қарорларининг ўзгаришига қараб ўзгартирилиши мумкин.

5. Сиқилган газ учун тўлов банк қоидаларига мувофиқ амалдаги қонуннинг шаклларида амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида тасдиқланган, декларация қилинган рўйхат реестрига кўра етказиб берилган кундаги газ нархида бўлади (тўланади).

6. СТГ (сиқилган табиий газ) ёқилғисини жўнатиш ведомостлар буйича, ўрнатилган шаклда тўловни 100% олдиндан тўлаб ва «Таъминотчи» ҳисоб рақамига пул келиб тушганидан сўнг бажарилади. Олдиндан тўлаш амалга оширилмаса «Таъминотчи» газ етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш ҳуқуқига эга. Вақтида тўланмаган ҳар бир кун учун «Сотиб олувчи» олдиндан тўланадиган сумманинг 0,4 % ҳажмида пеня тўлайди, лекин бу тўловнинг 50 % идан кўп бўлмаслиги лозим.

7. «Таъминотчи» томонидан таъминот муддати бузилган ҳолатда «Таъминотчи», «Истеъмолчи» га ҳар бир муддатидан ўтган кун учун товар қийматининг 0,4 % и ҳажмида пеня тўлайди.

8. «Истеъмолчи» автомобилдан фойдаланиш вақтида унинг техник ҳолати ва техник хавфсизлиги учун тўлиқ жавобгарликни ўз буйнига олади.

9. «Истеъмолчи» куйдагиларга мажбур:

а) газдан ва газ баллонли автомобиллар фойдаланиш масалалари буйича барча амалдаги қоида, техник шартлар, қўлланма ва қоидаларни аниқ бажариш (риоя қилиш);

б) газ баллон ускунаси ва автомобилнинг эҳтиёт қисмларини яхши ҳолатда сақлаш;

в) йўл ҳужжатида баллонлар сонининг техник аҳволи ва уларнинг геометрик ҳажми буйича илова бўлиши;

г) автомобилни ўрнатилган ҳолатда газга тўлдириш буйича рухсат олиш;

д) автомобилнинг техпаспортида (махсус иловасида) баллонларнинг умумий, геометрик ҳажмининг 0,5 аниқликдаги сони бўлиши, шунингдек махсус автомобил қисмларига ёзиб қўйиш.

10. «Таъминотчи» ва «Истеъмолчи» сиқилган газни бир маромда бир ой мобайнида газ ҳажмининг ўртача бир суткалик нормаси чегарасида бериш ва олишлари керак.

Сиқилган газдан фойдаланиш буйича келгусида бўладиган ўзгаришлар ҳақида «Истеъмолчи», «Таъминотчи» ни квартал бошигача 15 кундан кам бўлмаган муддатда ёзма равишда ёки телефон орқали огоҳлантириб қўйиши керак.

АГНКС ускуналарини жорий капитал ремонт қилинаётганда «Таъминотчи», «Истеъмолчи» ни уч суткадан кечикмай, капитал ремонтда эса иш бошланишидан камида 15 кун огоҳлантириш лозим.

11. «Таъминотчи» қуйидагиларга ҳақлидир:

- а) автомобилнинг газ ускуналаридан фойдаланиш, ўлчов-назорат асбоблари ва тўғрилигини текшириш.
- б) сиқилган газда юрадиган автомобилни бошқариш учун ҳайдовчининг ҳужжати мавжудлигини текшириш.
- в) «Истеъмолчи» томонидан ўрнатилган қоида, тўлдириш чекловлари ва ушбу шартнома шартларини бажармаган пайтда автомобилга сиқилган газ тўлдириб бермаслик.

3. ГАЗНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

12. «Истеъмолчи» га жўнатиладиган сиқилган табиий газ миқдори «Таъминотчи» ускуналари ёрдамида «Ўзбекнефтгаз» томонидан 28.11.95 йилда «Жўнатиладиган АГНКС газининг миқдорини ўлчаш услублари ҳақида» ги Ўзбекистон Республикасининг 51-034-94 қарори ва «Истеъмолчи» билан ҳисоблашишда АГНКС сиқилган газ ҳисоблаш қўлланмаси (12.04.96 й) асосида тасдиқланган газ тўлдириш компрессор станциясида тўлдириладиган автомобилларга жўнатиладиган газ ҳажмини аниқлаш таблицасига мувофиқ ўлчанади. 0020

4. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

13. «Таъминотчи» ва «Истеъмолчи» қуйидаги ҳолларда газни бериш ва олишни камайтиришлари мумкин:
- а) магистрал газ қувурларида, шаҳар газ ва электр тармоқларида, олдиндан билиш мумкин бўлмаган шароитларда юзага келган аварияларда;
 - б) ёнгин, зилзила, сув тошқини ва бошқа даврий фалокатларда;
 - в) магистрал газ қувурлари, шаҳар газ ва электр тармоқларининг навбатдаги таъмирлаш ишлари пайвандлаш ишлари вақтида.
14. СТГ ни тўлаш мажбуриятини амалга оширишни таъминлаш мақсадида томонлар қўшимча, яъни қарздорнинг мулкани гаровга ушлаб туриш бўйича, ёки «Таъминотчи», «Истеъмолчи» дан кафолат мажбуриятининг расмийлаштирилган кўринишини ёки нотариал идорада тасдиқланган ҳужжатни талаб қилиши ҳақидаги қўшимча шартнома тузишлари мумкин.
15. Ушбу шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

5. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

16. Ушбу шартнома томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва 31 Декабр 2022 йилгача амал қилади.
17. Шартнома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси «Таъминотчи» да, яна бир нусхаси эса «Истеъмолчи» да бўлади.
- Ушбу шартномада кўрсатилмаган масалалар бўйича томонлар «Истеъмолчи» ларга газни магистрал газ қувурлари орқали етказиб бериш ва «Автотранспорт воситаларини сиқилган газ тўлдиришга жўнатиш тартиблари» қонунларига мурожаат қиладилар.
18. Ушбу шартнома борасида мунозарали баҳслар, шартнома бажарилиш пайтида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқда ўрнатилган тартибда иктисодий судларида кўриб чиқилади.
- Шартномага илова:
- а) ДАН дан рўйхатдан ўтказилган автомобилларнинг сони ва маркаси кўрсатилган газдан фойдаланиш ҳисоби.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«ТАЪМИНОТЧИ»

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

«СИРЛИ ОКШОМ ТАРОВАТИ» МЧЖ

Мирзобод .Т

х/р 20208000604864049001

Мирзаобод АТ Халк Банк. МФО 00767

ИНН: 3016309620, ИФТУТ : 47300

Тел: 998673104211

Собирова.Н

«SIRDARYO SUV TAMINOT»

MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

SURHONSH. FIRDAVSIY №70

№ 20208000100134816001

«SIRDARYO SUV TAMINOT» SIRDARYO VILOYATI FILIALI
BANK HISSI. 00364 STIR. 200323842



Рахбар

Y. Yusup

**ЮРИДИК ШАХСНИНГ ДАВЛАТ РУЙХАТИДАН УТКАЗГАНЛИК ХАКИДА
ГУВОХНОМА**

Регистрдаги тартиб рақами 1348

№ 00 1348

2010 й. « 27 » август.

Маъмур гувоҳнома юридик шахс "SIRLI OQSHOM TAROVATI"

Масъуляти чеклабган жамият
(давлат тилидаги тулик номи)

2010 йил 27 августда Мирзаобод туман ҳокимлигидан

№ 1348 - сон билан давлат руйхатидан утганлиги тугрисида берилган
(юридик шахс дехқон хужаликлари, фермер хужаликлари, ажратилган ер участкаси ва унинг майдони курсида)

Юридик шахсга берилади

Ташкилий -- ҳуқуқий шакли :

ТХШ
1153

Мулкчилик шакли:

МШ
142

Давлат руйхатидан утган кундаги почта манзили:

МХОБТ
1724228830

Юридик шахс коди:

КТУТ
23336777

Асосий фойдалиқ тури :

ХХТУТ
11232

Солиқ тудовчининг идентификация рақами :

СТИР
301689620

Қушимча маълумотлар :



Бераф

Б.Сарибоев



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ЛИЦЕНЗИЯ

АВ № 1503

Маъмур лицензия билан "SIRLI OQSHOM TAROVATI"
(Лицензия эгасининг шўъба тўлиқ номи)
масъулияти чекланган жамияти

га

Мирзаобод тумани, "Бирлашган" қ.ф.й., М.Улуғбек маҳалласида
(Лицензия эгасининг қўшниқ манзили)
жойлашган АГТҚШ орқали сиқилган табиий газни сотиш

билан

шугулланишга рухсат этилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): Сирдарё вилояти,
Мизаобод тумани, М.Улуғбек маҳалласи

Лицензия эгасининг солиқ тўловчи сифатидаги идентификация рақами: 301689620

Лицензия берилган сана: 2011 й. 18 апрель

Лицензиянинг амал қилиш муддати беш йил

Реестр бўйича тартиб рақами: № 1065

Ваколатли шахс: Ф. Ибрагимов
(Ишчи ваколати, фамилияси)

ЧД
(Ишчи)

М.У.

Лицензиянинг амал қилиш муддати 2021 й. 18 апрел гача узайтирилди

Ваколатли шахс: Ф. Ибрагимов
(Ишчи ваколати, фамилияси)

ЧД
(Ишчи)

М.У.

Лицензиянинг амал қилиш муддати _____ й. _____ гача узайтирилди.

Ваколатли шахс: _____
(Ишчи ваколати, фамилияси)

М.У.

